


Вола ва Замон

Научно-популярный журнал детской и возрастной консультации

3
2019

«Кубики для всех»
в обучении
и развитии детей
дошкольного
возраста

САЛОМАТЛИК – КАТТА
ИЖТИМОЙ БОЙЛИК



ЯНГИЛИКЛАР / НОВОСТИ

- Когда радуга улыбается 2

БОЛА ВА ҚОНУН / РЕБЕНОК И ЗАКОН

- Правовое регулирование защиты социально уязвимых групп детей 4

ПСИХОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ / ПСИХОЛОГИЯ И МЕДИЦИНА

- Вояга етмаган ёшлар тарбиясига интернет тармоқларининг ижтимоий-психологик таъсири 9
- Тўлиқ бўлмаган оилаларда вояга етаётган ўсмирларнинг ижтимоийлашув жараёни 11
- Амалий психологик хизмат: мазмуни ва йўналишлари 14
- Возможности использования зрительных иллюзий 16
- Болаларимиз келажигига дахлдор хислатлар таҳлили 21
- Соғ танда – соғлом ақл! 24
- Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи киберхавфнинг олдини олиш масалалари 27
- Болаларда «мен» тизимининг шаклланишида оиладаги тарбиянинг роли 30

ПЕДАГОГИКА ВА ТАЪЛИМ / ПЕДАГОГИКА И ОБРАЗОВАНИЕ

- Эрта аниқлаш – муваффақиятли интеграция кафолати 32
- Компетентностный подход в организации целостного образования детей с особыми потребностями 35
- Дидактик ўйинлар – болалар нутқини ўстириш воситаси сифатида 38
- Обучение и воспитание детей с нарушенным слухом 41
- «Кубики для всех» в обучении и развитии детей дошкольного возраста 44
- Махсус таълимда ўқувчиларнинг пластик материаллар билан ишлаш малакаларини шакллантириш 46
- Мактабгача ёшдаги дудуқланувчи болаларни логопедик кўрикдан ўтказиш технологияси 48
- Коммуникатив қобилиятларни шакллантириш – мулоқот манбаи сифатида 51
- Мактабда психологик хизмат жараёнини ривожлантириш – бугуннинг мавзуси 54
- Болаларга уларнинг дунёси доирасида тил ўргатиш масалалари 55
- Тадқиқот: ўқувчиларда хулқ-атвор бузилишлари 58
- Болалар гидрокини ривожлантиришда машғулотларнинг ўрни 61
- Эшитишида нуқсонли бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви масалалари 62

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ / ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ

- Саломатлик – катта ижтимоий бойлик 66

ОИЛА ВА ТАРБИЯ / СЕМЬЯ И ВОСПИТАНИЕ

- Хаётингизда мен ҳам борман! 68



Кенгаши аъзолари

Эрматов,
Дманов,
Кидов,
Н

Ҳайъати аъзолари

Эва Зухра Илёсовна (ўқаррир),
А Мухаё Шурниязовна (ўқаррир ўринбосари),
За Василя Саттаровна (ёт фанлари номзоди),
Асулова Кумринисо Раимкуловна (к фанлар доктори),
Эргаш Газиёвич (психология фанлари доктори),
Аманова Айниса Мусурмановна (этика фанлари доктори),
Алов Баходыр Исламович (к фанлар доктори),
Алов Исомиддин (к фанлар доктори),
Алова Нодира Ачилбаевна (фа фанлари номзоди),
Аюва Лола Рахимовна (психология фанлари доктори),
Ав Нуриддин Салихович (психология фанлари доктори),
Анова Гелена Вячеславовна (психология фанлари номзоди),
Анова Дилёра Джуманиязовна (психология фанлари доктори),
Анова Мадина Каримовна (ёт фанлари доктори),
Азов Ботир Рахмонкулович (психология фанлари доктори)

Ташкилнинг ушбу сони масъул ходимлар

Ал Саттаров (масъул котиб),
А Калинина, Наргиза Қаҳҳарова (ҳаттасиз),
А Шерзод Алимов (сурат)

Ал ЎзР ВМ ҳузуридаги Олий аттес-
а комиссиясининг илмий даража
Агорлари чоп этиши лозим бўлган
Аллар рўйхатида киритилган.

Ачилар: Республика болалар ижтимоий мос-
аи маркази, «Sen Yolg'iz Emassan» республика
Ар жамоатчилик жамғармаси.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
дан ўтган Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги
Ана рақами 0168; 2007 йил 11 январь.
181-5496

Арият манзили: 100100, Ўзбекистон Республи-
а-ошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.
Анлар: 281-50-16; 281-50-18; 281-49-54 (факс)
Ана: bola-zamon@rambler.ru
Ана: www.rcsad.uz
Ана: олий тармоқдаги саҳифа:
Ана: facebook.com/bolavazamon

Ананинг фикри ҳар доим ҳам таҳририят
Анага тўғри келавермайди. Таҳририят
Аналарнинг услубий хатоларини тўғрилаш
Ана қартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.
Ана хиятга юборилган мақолалар эгасига
Ана билмайди ва тақриз ёзилмайди.

Ана редакцияси не всегда совпадает с мнением
Ана редакция оставляет за собой право на
Ана стическую правку и сокращение статей. При-
Ана чье в редакцию рукописи не возвращаются и не
Ана зируются.

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи киберхавфнинг олдини олиш масалалари

Анвариддин АНОРБОЕВ

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти мустақил изланувчиси

Хар бир мамлакатнинг келажаги ёшларнинг кўлида бўлиб, шу жиҳатдан бўлса керак, мамлакатимизда болаларнинг саломатлиги жамият баровонлигини, келажагини белгилашни инobatга олган ҳолда, ёшларнинг соғлиғини ярашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болаларнинг соғлиғини сақлашда уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишимиз жуда муҳимдир.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарли ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин [1].

Биргина мисол, «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясининг ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат орган бўлиб, унинг маълумотларига кўра, жорий

2019 йилнинг 1 январь кунидан бошлаб 26 июнь кунига қадар агентлик томонидан мазкур қонун асосида ўтказилган

Таянч сўзлар: киберхавфсизлик; жиноят; болаларнинг соғлиғи; ахборот; инсон ҳуқуқлари.

Аннотация / Abstract

UZ. Мазкур мақолада болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи кибержиноятчилик турлари, унинг олдини олиш юзасидан тавсиялар берилган.

RU. В данной статье дается описание видов киберугроз для детей, приводятся рекомендации по их предотвращению.

EN. This article describes the types of cyberthreats for children, provides recommendations for prevention.

мониторингда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи 815 та ҳолат аниқланган ва бу кўрсаткич ўтган 2018 йилда 897 тани ташкил этган [2].

Мақоламизда дунё бўйлаб виртуал оламда авж олиб бораётган кибержиноятчилик масаласига тўхталиб ўтмоқчимиз. Хўш, «кибержиноятчилик» нима дегани? Кибержиноятчилик – бу виртуал маконда компьютерларга қарши ёхуд компьютерлар ёки бошқа техник қурилмалар ёрдамида жиноий фаолият юритиш дегани. Шу ўринда табиий савол туғилади: кибермаконнинг ўзи нима? Кибермакон сўзи инглизча «cyberspace» сўзидан олинган бўлиб, фалсафада ва компьютер тизимларида қўлланиладиган мавҳум образ (метофарик абстракция) ҳисобланиб, виртуал борлиқ деб аталувчи оламда ташкил этилган ва ўйлаб топилган «ички» иккинчи оламдир. Шунингдек, кибермакон сўзи кибернетика (фанга Н. Винером томонидан 1948 йилда киритилган) ва фазо сўзларидан олинган бўлиб, фанга биринчи бўлиб канадалик фантастик ёзувчи Уильям Гибсон томонидан 1982 йилда киритилган ва журналистлар ҳамда сиёсатшунослар ўртасида образ кўринишида

оммалашиб борган. АҚШда кибермакон тушунчаси 2011 йилдан бошлаб давлат инфратузилмасининг ҳимояга муҳтож муҳим элементларидан бири сифатида қаралиб келинган. Шу маънода АҚШда кибермакон – бу фазо эмас, миллий инфратузилманинг бир бўлаги бўлиб, у ҳам чегарага ва ҳимояга эга бўлиши керак. АҚШ Олий суди маълумотларига кўра, айнан у улкан маълумот сақловчи бўлиб, у худуд танламайди ва у дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан туриб интернет орқали фойдаланишга рухсат этилганидир. Кибермакон анча оммалашган термин сифатида қаралиб, компьютер хотирасида график тасвирланган фойдаланувчи учун тасаввур маҳсули сифатида қабул қилинадиган виртуал макондир [6].

Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида кибержиноятчиликнинг уч хил тури фарқланишини ишонч билан айтиш мумкин:

1 Иқтисодий компьютер жиноятчилиги. Асосан банк пластик карточкалари воқитида амалга оширилиб, жиноятчи турли йўллар (почта манзили, ижтимоий тармоқлар ёки СМС-хабар) орқали психологик босим ўтказиш, ҳиссий

биясини доимо назорат қилиб бориши мақсадга мувофиқдир [5]. Биргина мисол, кўча-кўйда ҳаммамиз гувоҳ бўлаётган баъзи ҳолатлар бундан бир неча йиллар олдин умуман бошқача эди, жумладан, оддийгина телевизор кўришнинг ҳам ўз одоби бор эди, ҳозирчи юқорида таъкидлаган қонунимизда аниқ болаларнинг ёшига қараб ахборот маҳсулотининг ёш чегараси белгиланиб, улар амалда ижро қилинаётган бўлса-да, ёш бола ўзининг ёшига

сига турли расмлар чиздириш, тақинчоқлар тақиш каби одатларга ружу қўймоқдалар.

Айтиб ўтилганларнинг олдини олиш, болаларнинг кибержунотчилар воситасига айланиб қолмасликларини таъминлаш учун ота-оналарга қуйидаги тавсияларни беришни лозим топдик:

1 Фарзандларингизнинг компьютер, телефон орқали интернет тармоғидан

Болаларнинг онгида оқ ва қорани тўлиқ ажратиш хисси бирданга шаклланмайди, шунинг учун ҳам болалар ўзича дўст деб ўйлаган ёки ўзлари кўрган ҳамда қўштирноқ ичида «қаҳрамон» деб кўрсатилган шахсларга ўхшашга ҳаракат қилиши оқибатида билиб-билмай турли хил ҳаракатлар содир этмоқдалар.

тўғри келмайдиган кўрсатувларни ота-онасининг олдида кўришмоқда, бунга эса, ота-она йўл қўйиб беришмоқда. Баъзи ҳолларда ота-оналар ўзларининг лоқайдлигини тўлиқ намоеён этишмоқда, хусусий телеканалларда кўрган ахборот маҳсулотлари орқали болалар кўштирноқ ичидаги «қаҳрамон» дея тавсиф этилган шахсларга ўхшайман деб, ҳатто ақинларига ҳам турли хил тўғри кўруллар тирашмоқда. Интернетнинг борлиги бир томондан яхши, аммо иккинчи томондан Интернет тармоғи орқали кириб келаётган лавҳалар орқали енгил-елпи ҳаётга қизиқиш, чиройли нарсаларга ўч бўлиш, идеал қилиб олган «юлдуз»ларга тақлид қилиш мақсадида тана-

фойдаланаётган саҳифаларини назорат қилиб боринг.

2 Шахсий маълумотлар, алов йўли билан ишончига киришга интилаётган шахслар ҳақида катта одамларга хабар беришларини атрофлича (нима сабабдан, оқибатлари қандай бўлиши мумкин) тушунтиринг.

3 Шубҳали хабарлар, тушунарсиз муурожаат бўлганида катталар (ота-она, қариндошлар, ўқитувчи, ака, опа) га айтишларини тайинланг.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида мактабларни ташқи хавфлардан ҳимоялаш ҳамда болалар ўртасида жиноятчи-

ликнинг олдини олиш бўйича умумтаълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлигини кучайтириш масаласи аниқравшан қўйилган. Шу нуқтаи назардан давлат идоралари ва органлари учун тавсияларимиз қуйидагича:

1 Ҳар бир фойдаланувчи ҳар қандай веб-сайтга кирган вақтида тақиқланган, зарарли деб ҳисоблаган, шубҳали маълумотларни кўрса, компьютер орқали бўлса Ctrl+alt+enter кетма-кетлиги ёрдамида ёки шунга ўхшаш кетма-кетлиги орқали веб-сайт манбаси-линкини фойдаланувчи тегишли агентлик ва марказларнинг веб-сайтига тўғридан-тўғри хабар берадиган тизим ишлаб чиқиши керак.

2 Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида давлат дастури ёки қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, кенг муҳокамадан ўтказиш даркор. Шундагина барвақт киберхужумларнинг олдини олиш чоралари кўрилади ва бу бўйича барча давлат органлари раҳбарларининг шахсий масъулияти ўрнатилиб, мамлакатнинг киберхавфсизлигини таъминлаш янги поғонага кўтарилади.

Шарқ халқлари азал-азалдан ўз маданияти билан фахрланиб келган. Келажакда мана шу фахримиз бўлмиш ўз маданиятимизни сақлаб қолиш, уни авлодларга етказиш барчамизга масъулият юклашини унутмаслигимиз даркор.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 83 б.
2. Муаллифнинг сўровига жавобан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги 2019 йил 2

- июлидаги 14/2-2187-сон хати.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 13 б.

4. Интернет сайтдан: <https://uz24.uz/society/voyagaretmaganlar-grtasida-zhinoyat-sodir-etish-keskin-kamaydi>
5. Солиҳов Д. Ё ҳаёт, ё мамот масаласи. Манба: <http://muslim.uz/index.php/rus/maqolalar/item/2309>
6. Қурбонов И. Қурилишни бошқаришда кибермакон ва киберхавфсизлик аҳамияти

// Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили: XIV Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДАҚИ, 2017. 112-б.